

## Ўзбекистон Республикаси

### Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш соатлари тўғрисида маълумот

2019 йил 21 июнь  
соат 10-00

Давлат статистика қўмитаси  
3-қават, мажлислар зали

**Ўрганиш соатларини ўтказувчи:** А.Икрамов – Раис ўринбосари

**Қатнашдилар:** Қўмита марказий аппарати  
бошқармалари ва бўлимлари  
ходимлари (40 киши)

**Ўрганиш соатларида ўтилган мавзулар:**

*Маърузачи* – Примов Ғ.С., Аюбов У.Т., Ғаффорова Ш.Н., Каримжонов М.М.,  
Тўлаганова Г.З., Тагаев С. лар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январда  
“Жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини  
тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармонининг  
12-бандини таъминлаш ҳақида*

Тадбир Давлат статистика қўмитаси раисининг ўринбосари А.Икрамов томонидан очиб берилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январда “Жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармонининг 12-бандини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлигининг масъул ходимлари ва қўмита марказий аппарат ходимлари ўртасида ташкил этилганини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, фармоннинг ижросини таъминлаш бўйича Қўмита томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тизим ходимларига етказилиб борилаётганлиги, фармоннинг ижроси бўйича доимий мониторинг олиб борилиб, ўз вақтида Адлия вазирлигига ҳисоботлар бериб бориб борилаётганлигини алоҳида билдириб ўтди.

Шу билан биргаликда, Адлия вазирлиги томонидан мазкур Фармоннинг 12-бандига асосан давлат органлари ва ташкилотларда ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган бепул ҳуқуқий

маслаҳат курсларини ташкил этиш дастурлари ишлаб чиқилган ва ушбу курсларни ташкил этиш бўйича алоҳида дастур, график ҳамда ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланган.

Шу муносабат билан 2019 йил 21 июнда Давлат статистика қўмитасида марказий аппарат ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган бепул ҳуқуқий маслаҳат курслари ўтказилиши белгиланган.

Тадбир давомида сўзга Адлия вазирлигининг масъул ходими Примов Ғайбулло Саъдуллаевич, Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилари Тўлаганова Гулчехра Зоҳидовна, Каримжонов Муҳаммадамин Муҳаммадалиевич, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази фуқаровий ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси, ю.ф.н. Аюбов Улуғбек Тўлаганович, Давлат ва ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Гаффорова Шахноза Нуритдиновна ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсий тадқиқотлар институти етакчи маслаҳатчиси Тагаев Собир томонидан дастурда белгиланган йўналишлар бўйича ўз маърузаларини тадбир иштирокчилари ҳавола этдилар.

Лекторлар томонидан қуйидаги мавзуларда машғулот ўтишлари белгиланган.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ қонун ҳужжатлари билан боғлиқ ҳужжатларнинг моҳияти.

2. Меҳнат қонунчилиги нормаларини тушунтириш. Соҳа ходимларининг меҳнатга доир ҳуқуқларининг бузилишини олидини олиш чоралари.

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш.

4. Коррупцияга қарши курашиш. Коррупция учун жавобгарлик.

5. Соҳа фаолиятига доир қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти.

Йиғилган иштирокчилар томонидан ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича маърузачиларга саволлар беришди ҳамда давра суҳбати қизиқарли ва мазмунли руҳда ўтказилди.